

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НОРБУТАЕВА БЕГОЙИМ ХУСАН ҚИЗИ

ТУРЛИ ЭКИШ МУДДАТ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ СОЯНИНГ ЎСИШИ,
РИВОЖЛАНИШИ ВА ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(Сирдарё вилояти мисолида)

06.01.08 – Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

АНДИЖОН 2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation's abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Норбутаева Бегойим Хусан қизи

Турли экиш муддат ва меъёрларини соянинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири (Сирдарё вилояти мисолида)..... 3

Норбутаева Бегойим Хусановна

Влияние разных сроков и норм сева на рост, развитие и урожайность зерна сои (на примере Сырдарьинской области)..... 21

Norbutaeva Begoyim Khusan qizi

The influence of different sowing dates and rates on the growth, development and yield of soybean grain (using the example of the Syrdarya region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 45

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

НОРБУТАЕВА БЕГОЙИМ ХУСАН ҚИЗИ

ТУРЛИ ЭКИШ МУДДАТ ВА МЕЪЁРЛАРИНИ СОЯНИНГ ЎСИШИ,
РИВОЖЛАНИШИ ВА ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(Сирдарё вилояти мисолида)

06.01.08 – Ўсимликшунослик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

АНДИЖОН 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Qx847 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ddeiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Мўминон Абдували Акбаралиевич,
Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар: Ёрматова Дилором Ёрматовна,
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Иминов Абдували Абдуманнобович,
Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Етакчи тапшилот: Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти хузуридаги PhD.05/31.03.2023.Qx.159.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «3» 08, соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170600 Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05; факс: (+99874) 373-12-05; e-mail: ddeiti19@mail.ru; Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Маъмурий биноси, 2-кават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 21 -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Андижон кўчаси 36-уй. Тел.: (+99874) 373-12-05;

Диссертация автореферати 2024 йил «19» 07 куни тарқатилди.
(2024 йил «13» 06 даги 511 рақамли реестр баённомаси).




Р.И.Сиддиқов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси к.х.ф.д., профессор.


И.И.Абдуллаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби, к.х.ф.д., доцент.


С.О.Абдурахмонов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда “дунёнинг 107 мамлакатада йилига 129,5 млн гектар майдонда соя етиштирилиб, умумий ҳисобда 371,7 млн. тонна, гектаридан эса ўртача 1,8 тонна ялпи дон ҳосили етиштириб келинмоқда”¹. Дунё озиқ-овқат саноатини соя хом-ашёсига бўлган қизиқиши кундан кунга ортиб бораётганлигини кўплаб очик манбалардан кўриш мумкин. БМТнинг “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти” статистик маълумотларига қараганда “дунёда соя етиштириш ҳажми 2021 йилда 334,9 млн. тоннани ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 371,7 млн. тоннани ташкил этиб, ўтган вақт ичида 11,0 фоизга кўпайган”². Бу эса ўз навбатида бугунги кунда жаҳон бозорини соя дониغا бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, катта майдонларда етиштириб келинаётган соя навларинидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришга қаратилган агротехнологияларини такомиллаштириб боришни тақозо этмоқда. Бунда энг аввало ушбу навларни минтақалар кесимида мақбул экиш муддатлари ва кўчат қалинликларини ўрганиш ҳамда тўғри йўлга қўйиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёнинг соя етиштириш бўйича юқори тажрибага эга бўлган бир қатор ривожланган давлатларида соянинг янги авлод навларини яратиш, уларни минтақалар кесимида экиш муддатлари, кўчат қалинликлари, озиқлантириш ва суғориш тизимларини ишлаб чиқилиши ҳисобига йиллик ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Бразилия (134,9 млн. тонна), АҚШ (120,7 млн. тонна), Аргентина (46,2 млн. тонна), Хитой (16,4 млн. тонна), Ҳиндистон (12,6 млн. тонна) давлатлари жаҳоннинг соя бозорида етакчилик қилиб келмоқдалар. Бугунги кунда дунёда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда табиатнинг стресс омилларига, сувсизликка ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли бўлган янги авлод навларини яратиш ва ушбу навларни турли тупроқ-иқлим шароитларида экиш муддатлари ҳамда кўчат қалинликларини ўрганган ҳолда етиштириш технологияларни ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Республикамиз аҳолисини оқсилга бой озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида кейинги йилларда суғориладиган майдонларга асосий ҳамда такрорий экин сифатида соя етиштириш изчиллик билан кенгаймоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10-февралдаги “Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 105-сонли қарорининг қабул қилиниши бугунги кунда соя майдонларини 146,5 гектаргача кенгайтишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги “Ўзбекистон республикаси қишлоқ

¹ <https://www.atlasbig.com/ru/strany-po-proizvodstvu-soi>

² <https://latifundist.com/rating/top-10-proizvoditelej-soi-v-202021-mg>

хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармонида “аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш” устувор вазифа этиб белгиланган бўлиб, бу борада илмий-тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 1 апрелдаги ПФ-6198-сонли “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли “Ўзбекистон республикаси президентининг 2017 йил 14 мартдаги «2017 — 2021 йилларда республикада соя экишни ташкил этиш ва сояли дуккакли экинлар етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги пқ-2832-сон қарорига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 февралдаги 105-сонли “Республикада соя етиштириш ҳажмларини янада кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Соя ўсимлигининг биологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли минтақалар тупроқ-иклим шароитига мос навларини танлаш, жойлаштириш, экиш муддатлари, уруғ экиш меъёрлари ва бошқа агротехник тадбирларни ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича хорижлик олимлардан Н.М.Тишков, А.С.Бушнев, С.В.Зеленцов, Д.Эгамбердиева, республикамиз олимларидан Р.И.Сиддиқов, М.Маннопова, Д.Ёрматова, Х.Атабоева, М.Саттаров, Г.Тангилова, Н.Умарова, А.Иминов, У.Нематов, Т.Осербаева, А.Рахимов, Ш.Усмонова, Д.Холдарова, Н.Мирзаев, Ж.Хамдамов, З.Яқубовлар томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, Сирдарё вилоятининг суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида соянинг ўртапишар маҳаллий “Тўмарис Ман-60” ҳамда хорижий “Селекта-302” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш муддатлари ва кўчат қалинликларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Сирдарё илмий-тажриба станциясининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2020 йил 4 февралдаги №1 сонли баённомаси билан тасдиқланган «Сирдарё вилоятининг суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида соя навларидан юқори дон ҳосили етиштириш агротехнологияларини ишлаб

чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2020-2022 йй).

Тадқиқотнинг мақсади. Сирдарё вилоятининг суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида соянинг ўртапишар маҳаллий “Тўмарис Ман-60” ҳамда хорижий “Селекта-302” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда мақбул экиш муддатлари ва кўчат қалинликларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини соя навлари уруғларнинг дала унувчанлигига ҳамда кўчат қалинликларига, ўсиб ривожланиш даврларининг давомийлигига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини соя навларининг поя баландлигига, шохланиш даражасига, барг сатҳининг шаклланиши, биологик куруқ масса тўплаш жадаллигига ҳамда фотосинтез соф маҳсулдорлик даражасига таъсирини аниқлаш;

уруғ экиш муддатлари ва меъёрларини соя навларида ҳосил элементларининг шаклланишига, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

Соя навларини турли муддат ва кўчат қалинликларида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти: бўз ўтлоқи тупроқ, соянинг “Тўмарис Ман-60” ва “Селекта-302” навлари, уруғ экиш муддатлари, уруғ экиш схемалари ва кўчат қалинликлари.

Тадқиқотнинг предмети: Сирдарё вилоятининг суғориладиган бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида соя навларини экиш муддатлари ва меъёрларини кўчат қалинлигига, ўсиши ва ривожланишига, барг сатҳининг шаклланиши ва биологик куруқ масса тўплашига, фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил структурасининг шаклланиши, дон ҳосилдорлигига ва сифат кўрсаткичларига, қўлланилган агротехник тадбирларни иқтисодий самарадорлигига бўлган таъсирини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаларида вариантларни жойлаштиришда «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (ПСУЕАИТИ 2007), фенолгик кузатувлар ва ҳисоблаш ишлари олиб боришда “Методика проведения полевых агротехнических опытов с масличными культурами” (Краснодар-2010), тажриба майдонида тупроқнинг агрохимёвий хоссаларини аниқлашда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1973) услубий қўлланмаларидан фойдаланилди. Олинган натижалар Microsoft Excel дастури ва Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) услубий қўлланмаси асосида статистик таҳлиллар амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Илк бор Сирдарё вилоятининг бўз ўтлоқи тупроқлари шароитида соянинг ўртапишар маҳаллий Тўмарис Ман-60 ва Селекта-302 навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш

муддатлари ҳамда меъёрлари ишлаб чиқилган;

Соя навлари уруғлари 10 апрел муддатда 60x4-1 схемада экилганда 417 минг дона/га, 20 ва 30 апрел муддатларида 60x5-1 схемада экилганда 333 минг дона/га кўчат қалинлигида экиш юқори самара бериши аниқланган;

Уруғ экиш муддатлари ва кўчат қалинликларини соя навларининг ўсиб ривожланиши ва ҳосил элементларининг шаклланиши ўртасидаги корреляцион ва регрессион боғлиқликлар аниқланган;

Соя навлари уруғларини 20 апрел муддатида экиб етиштириш уруғларни 10 апрел ва 30 апрел муддатларида экиб етиштиришга нисбатан Тўмарис Ман-60 навида 1,9 ц/га дан 3,4 ц/га гача, иқтисодий рентабеллик даражаси 10,0 фоиздан 16,8 фоизгача, Селекта-302 навида 2,0 ц/га дан 3,4 ц/га гача, иқтисодий рентабеллик даражаси 10,5 фоиздан 16,9 фоизга юқори бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Соя навларида кўчат қалинлиги уруғ экиш муддатлари кесимида ўрганилганида, юқори натижалар уруғлар 20 апрел муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 10 апрел муддатида экилган вариантларга нисбатан униб чиққан кўчатлар сони “Тўмарис Ман-60” навида 11,7-15,8 минг дона/га гача, “Селекта-302” навида 11,7-17,1 минг дона/га гача, амал даври охирида кўчат қалинлиги “Тўмарис Ман-60” навида 11,8-16,2 минг дона/га гача, “Селекта-302” навида 11,6-17,1 минг дона/га гача, уруғлар 30-апрел муддатида экилган вариантларга нисбатан униб чиққан кўчатлар сони “Тўмарис Ман-60” навида 6,7-9,2 минг дона/га гача, “Селекта-302” навида 6,7-9,2 минг дона/га гача, амал даври охирида кўчат қалинлиги “Тўмарис Ман-60” навида 6,6-9,2 минг дона/га гача, “Селекта-302” навида 6,6-9,2 минг дона/га гача юқори бўлганлиги аниқланган;

Соя навларининг биометрик кўрсаткичлари уруғ экиш муддатлари ва кўчат қалинликлари кесимида ўрганиб чиқилганида юқори натижалар уруғлар 20 апрел муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 10 апрел муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Тўмарис Ман-60” навида поя баландлиги 3,4-6,1 см, барг сатҳи 3,7-5,4 минг м²/га, куруқ масса тўплаши 7,9-9,8 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,8-1,6 г/м²/кун гача, “Селекта-302” навида поя баландлиги 2,8-3,8 см, барг сатҳи 5,7-5,8 минг м²/га, куруқ масса тўплаши 8,5-10,1 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 0,8-1,6 г/м²/кун гача, уруғлар 30-апрел муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Тўмарис Ман-60” навида поя баландлиги 2,0-2,7 см, барг сатҳи 3,5-5,8 минг м²/га, куруқ масса тўплаши 5,8-6,6 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,0-1,0 г/м²/кун гача, “Селекта-302” навида поя баландлиги 0,3-0,9 см, барг сатҳи 0,6-1,6 минг м²/га, куруқ масса тўплаши 5,9-6,6 ц/га, фотосинтез соф маҳсулдорлиги 1,0-1,1 г/м²/кунга юқори бўлганлиги қайд этилган;

Соя навларида ҳосил элементлари салмоғи ўрганилганида, юқори натижалар уруғлар 20 апрел муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 10 апрел муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Тўмарис

Ман-60” навида 1 туп ўсимликдаги умумий донлар сони 3,0-5,4 донагача, 1 туп ўсимликдаги дон вазни 0,4-0,8 г гача, 1000 дона дон оғирлиги бўйича фарқлар кузатилмаган бўлса, “Селекта-302” навида 1 туп ўсимликдаги умумий донлар сони 2,5-5,4 донагача, 1 туп ўсимликдаги дон вазни 0,5-0,9 г гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,0 г гача, уруғлар 30-апрел муддатларида экилган вариантларга нисбатан “Тўмарис Ман-60” навида 1 туп ўсимликдаги умумий донлар сони 2,6-3,0 донагача, 1 туп ўсимликдаги дон вазни 0,4-0,5 г гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,0 г гача, “Селекта-302” навида 1 туп ўсимликдаги умумий донлар сони 2,5-3,5 донагача, 1 туп ўсимликдаги дон вазни 0,5-0,6 г гача, 1000 дона дон оғирлиги 1,0-2,0 г гача юқори бўлганлиги кузатилган;

Соя навларида юқори дон ҳосилдорлиги ва иқтисодий самарадорлик вариантлар кесимида таҳлил қилинганда, юқори натижалар уруғлар 20 апрел муддатида экилган вариантларда кузатилиб, уруғлар 10 апрел муддатида экилган вариантларга нисбатан “Тўмарис Ман-60” навида дон ҳосилдорлиги 2,8-3,4 ц/га, рентабеллик даражаси 15,5-17,8 фоизга, “Селекта-302” навида дон ҳосилдорлиги 2,8-3,4 ц/га, рентабеллик даражаси 15,8-18,0 фоизга, уруғлар 30 апрел муддатида экилган вариантларга нисбатан “Тўмарис Ман-60” навида дон ҳосилдорлиги 1,9-2,2 ц/га, рентабеллик даражаси 10,5-12,9 фоизга, “Селекта-302” навида дон ҳосилдорлиги 2,0-2,3 ц/га, рентабеллик даражаси 11,2-13,5 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Тадқиқот натижаларининг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий натижалар билан асосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитига жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги илмий ишнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Сирдарё вилоятининг бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида соя навларини мақбул экиш муддати ва схемаларини уруғларининг дала унувчанлигига, кўчат қалинлигига, ривожланиш даврларининг давомийлигига, барг сатҳининг шаклланиши, куруқ модда тўплашига ва фотосинтез соф маҳсулдорлигига, ҳосил элементларининг салмоғига, дон ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига таъсири ижобий бўлганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, соянинг навлари уруғларини 20 апрел муддатида 60x5-1 экиш схемасида гектарига 333 минг туп кўчат қалинлигида экиб етиштириш уруғларни 10 ва 30 апрел муддатларида турли экиш схемаларида ва кўчат қалинликларида экиб етиштирилган вариантларга нисбатан дон ҳосилдорлиги “Тўмарис Ман-60” навида 2,8-3,4 ц/га, “Селекта-302” навида 2,8-3,4 ц/га, рентабеллик даражаси “Тўмарис Ман-60” навида 15,5-17,8 фоизга, “Селекта-302” навида 15,8-18,0

фоизгача ортганлиги ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги ва кенг жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сирдарё вилояти шароитида соя навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда уруғларни мақбул экиш муддатлари ва кўчат қалинликларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот илмий натижалари асосида:

Дончиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Турли экиш муддатларини соянинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири” номли тавсиянома ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 28.09.2023 йилдаги №04/34-06/1119-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома фермер хўжаликларида соя навларини етиштиришда муҳим кўрсатма сифатида хизмат қилмоқда;

Соянинг “Тўмарис Ман-60” ҳамда “Селекта-302” навлари Боёвут тумани “Хасанбой хусанбой” фермер хўжалигида 6,0 гектар, “Қайирма миришкор” фермер хўжалигида 6,0 гектар, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Сирдарё ИТС ишлаб чиқариш даласида 20,5 гектар, жами 32,5 гектар майдонга жорий қилинган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 28.09.2023 йилдаги №04/34-06/1119-сон маълумотномаси). Натижада уруғларни экишнинг энг мақбул муддати “Тўмарис Ман-60” ҳамда “Селекта-302” навларида 20 апрел муддатида 60x5-1 экиш схемасида гектарига 333 минг туп назарий кўчат ҳисобида экилиб етиштириш юқори самара бериши аниқланган;

Соянинг “Тўмарис Ман-60” ва “Селекта-302” навлари уруғларини 20 апрел муддатида 60x5-1 экиш схемасида гектарига 333 минг туп назарий кўчат ҳисобида экиб етиштириш технологияси Боёвут туманида жорий этилган. (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 28.09.2023 йилдаги №04/34-06/1119-сон маълумотномаси). Натижада ушбу технологияни қўллаш орқали дон ҳосилдорлиги ҳар гектаридан 3,5-4,0 центнергача юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 28-30 фоизга ортишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти томонидан тузилган маҳсус апробация комиссиялари томонидан кўриқдан ўтказилиб, “яхши” ва “қониқарли” баҳоларга баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар асосида 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий мақолалар ва 1 та тавсиянома чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлари учун чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та жумладан, маҳаллий нашрларда 2 та, хорижий нашрларда 1 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан

иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган бўлиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқот усуллари ва услублари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробация кўригида ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот юзасидан нашр этилган ишлар ҳамда диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг **“Дуккакли экинларни парваришlash технологияси, экиш муддатлари ва уруғ экиш меъёрларини ўсимлик ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобда диссертация мавзуси юзасидан хорижий ва маҳаллий шароитларда олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари шарҳланган. Жумладан, соя навларини экиш муддатларини аниқлашда ҳаво ҳароратига, уруғ экиш меъёрларининг аниқлашда эса навларнинг биологик хусусиятларига аҳамият бериш кераклиги қайд этилган.


Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойнинг географик ўрни, тупроқ ва иқлим шароити, тадқиқот олиб бориш усули ва услубияти, тажриба даласида қўлланилган агротехник тадбирлар”** деб номланган иккинчи бобда, тадқиқот олиб борилган жойнинг географик жойлашув ўрни ва тупроқ-иқлим шароити, тажриба тизими ва ўсимликларнинг биометрик кўрсаткичлари, фенологик кузатувлар, кузатишларнинг услубиятлари, тажриба майдонида қўлланилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар ўрин олган.

Дала тажрибалари 2020-2022 йиллар давомида Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг Сирдарё илмий тажриба станцияси тажриба даласининг суғориладиган кам шўрланган, бўз ўтлоқи тупроқ шароитида ўтказилган. Тажриба тизими умумий майдони 240 м² бўлган 18 та вариантдан: жумладан, 3 та (10, 20, 30-апрел) экиш муддатлари 3 хил (60х6-1; 60х5-1; 60х4-1) уруғ экиш тизимида, 3 хил (278, 333, 417 минг туп/га) назарий кўчат қалинлигидан иборат бўлган. Тажриба майдон тупроғи нитрат ва фосфор билан кам даражада, калий билан ўрта даражада таъминланганлиги аниқланган. Барча агротехник тадбирлар белгиланган муддатда ва меъёрда ўтказилган ва тажриба вариантлари ўртасидаги фарқни аниқлашга имконият берган.

Диссертациянинг **“Соя навларини етиштиришда турли экиш муддатлари ва уруғ экиш меъёрларини ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳамда дон ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган учинчи бобда уруғларнинг дала шароитида унувчанлиги, кўчат қалинлиги, ўсув

даврларининг давомийлиги, асосий поя баландлиги, барг сатхи, юза майдони, куруқ масса миқдорига, фотосинтез маҳсулдорлик, ҳосил элементларининг шаклланиши, донининг сифати, дон ҳосилдорлигига уруғ экиш муддатлари, меъёрларининг таъсири, ҳамда соя навларини мақбул уруғ экиш муддатлари, меъёрларини танлашнинг биостатистик асослари тўғрисида маълумотлар ўрин олган.

Тажрибада олинган маълумотлар, асосида соя донининг унувчанлик динамикаси 5- кунда ўртача 13,18 фоизни, 7- кунда 54,11 фоиз, 9 кунда 77,61 фоиз ва 12 кунда 82,09 фоизни ташкил этган. Тажрибанинг 7 кунидан бошлаб соя донининг унувчанлиги жадаллашиб эрта муддатда экилган соя навларида 41-42 фоизни, ўрта муддатда 54-55 фоиз ва кеч муддатда 66-67 фоизни ташкил этган. Соя навлари кечки муддатда (30.04) экилганда унувчанлик жадаллашган, тажрибанинг 9- кунда уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда 81,6 фоиз, 333,0 минг туп/га – 81,6 фоиз ва 30 апрелда 81,9 фоизни ташкил этган. Эрта муддатда экилган соя навлари донининг унувчанлиги тажрибанинг 12 кунда уруғ экиш меъёрига мос равишда 79,8 фоиз, 80,2 ва 80,0 фоизни 20 апрелда 84,0 фоиз 84,2 ва 84,1 фоизни ташкил этди (1-расм). Соя навлари унувчанлиги 20 апрелда уруғ экиш меъёри 333,0 минг донга тенг бўлганида тажрибанинг 12 кунда эрта муддатга нисбатан 4,0 фоизга кечки муддатга нисбатан 2,4 0 фоизга ошганлиги қайд этилди.



1-расм. Соя донининг дала шаротида унувчанлигига (фоизда) уруғ экиш меъёри ва муддатининг таъсири.

Уруғ экиш меъёри ва муддатлари кўчат сонига таъсир даражаси аниқланган. Эрта муддатга (10.04) нисбатан ўрта муддатда (20.04) экилган соя ўсимликларининг нобуд бўлиши экилган уруғлик донга (278,0; 333,0 ва 417,0 минг донга/га) нисбатан тегишли равишда Тўмарис Ман-60 навида 20,02; 19,8 фоиз ва 19,7 фоизни, Селекта-302 навида 20,9 фоиз; 20,6 фоиз ва 20,5 фоизни ташкил этган. Кеч муддатда экилганида уруғ экиш меъёри 278,0 минг донга/га ни ташкил этганида нобуд бўлган ўсимликлар 19,1 фоизни, 333,0 минг донга/га -18,8 фоиз ва 417,0 минг донга/га экилганида 18,6 фоизни ташкил

этган. Кўчат сонини нисбатан кўп сақланиб қолиши сояни 20 апрелда гектарига 333,0 минг дона/га экилган Тўмарис Ман-60 навида қайд этилиб, эрта экилган муддатга (10.04) нисбатан 4,0 фоизга ва кеч муддатга нисбатан амалдаги кўчатлар сони 4,0 фоизга кўп эканлиги аниқланган. Селекта-302 навида нисбатан юқори кўрсаткич уруғ экиш меъёри 417,0 минг дона/га ни ташкил этганида қайд этилиб эрта экилган муддатга нисбатан 4,1 ва кеч экилган муддатга нисбатан 2,2 фоизга кўчат сони кўп эканлиги аниқланган.

Соянинг Тўмарис Ман-60 нави ўрта муддатда (20.04) уруғ экиш меъёри 333,0 минг дона/га ни ташкил этган вариантда пишиш даврининг давомийлиги 137 кунни ва ўсув даври 127 кунни ташкил этган бўлса, Селекта-302 навида ушбу кўрсаткичлар 134 ва 124 кунга тенг эканлиги аниқланган. Селекта-302 нави Тўмарис Ман-60 навидан 3 кунга эртапишар эканлиги кузатилган. Фазалар давомийлигига экиш меъёрининг таъсир этганлиги қайд этилган. Эрта экилган вариантга (10.04) нисбатан кеч экилган вариантда (30.04) ўсув даври ўрта ҳисобида 8 кунга қисқарган бўлса уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши ўсув даврининг давомийлигини 2 кунга узайтирган.


Эрта муддатда экилган соянинг Тўмарис Ман-60 навида ўртача асосий поя баландлиги 116,8 см, Селекта-302 навида 116,2 см ўрта муддатда тегишли равишда 120,2 см ва 119,9 см, 30 апрелда экилганида ушбу кўрсаткичлар 118,2 см ва 119,3 см тенг бўлганлиги кузатилган. Соянинг Тўмарис Ман-60 нави 20 апрелда экилганида эрта муддатга нисбатан 3,4 см ва кеч экилган муддатга нисбатан 2,0 см, Селекта-302 навида эса эрта муддатга нисбатан асосий поянинг баландлиги 3,4 см баланд бўлган бўлса, кеч муддатда экилган вариантга нисбатан фарқ кузатилмаган.

Битта ўсимликда шаклланган барг миқдори эрта муддатда ва уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га бўлганида бир тупда 5 донани, 20 апрелда -4,7 донани ва 30- апрелда 4,1 донани ташкил этган. Эрта муддатда экилганда доннинг тўлишиш фазасида барг сатҳи битта ўсимликда 2137 см^2 , 20 -апрелда -2190 см^2 ва 30 апрелда -2068 см^2 тенг бўлганлиги аниқланган. Ушбу муддатларга мос равишда бир гектардаги барг юза сатҳи 46,50, 50,24 ва 46,08 минг м^2 тенг бўлган. Соя навлари 20-апрелда гектарига 333,0 минг дон экилганида Тўмарис Ман-60 ва Селекта-302 навларида барг юза сатҳи ва бир гектардаги барг юза майдони ортганлиги қайд этилган.

Соянинг Тўмарис Ман-60 нави 20-апрелда экилганида уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га тенг бўлганида поя таркибида қуруқ масса миқдори 12,3 г, илдизда 5,5 г., баргда 2,0 г., донда 13,7 г., дуккак пўстлоғида 4,0 г., битта ўсимликда 37,4 г. га тенг бўлган. Мазкур муддатда эрта экилган муддатга нисбатан қуруқ масса миқдори 2,2 г. кўпайганлиги аниқланган. Уруғ экиш меъёри 333,0 минг туп/га тенг бўлганида битта ўсимликдаги қуруқ масса миқдори 34,0 г. га тенг бўлган бўлса, уруғ экиш меъёри 417,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда 27,2 г. га тенг бўлган. Ўрта муддатда (20.04) экилган соянинг битта ўсимлигидаги қуруқ масса миқдори уруғ экиш меъёрига боғлиқ бўлган ҳолда эрта ва кеч муддатларга нисбатан 2,2 г., 2,1 г. ва 1,1 г.

ортганлиги аниқланган. Мазкур муддатда соянинг Тўмарис Ман-60 нави уруғ экиш меъёри 417,0 минг туп/га тенг бўлганида куруқ масса миқдори 93,4 ц/га, Селекта -302 навида 90,5 ц/га бўлган. Тўмарис Ман-60 навида эрта муддатда шу меъёрда экилган вариантга нисбатан 7,9 ц/га, кеч экилган муддатга нисбатан 6,2 ц/га, Селекта-302 навида тегишли равишда 8,5 ва 6,9 ц/га куруқ масса миқдори кўп эканлиги кузатилган.

Кунлик фотосинтез маҳсулдорлик фазалар кесимида ўзгариб борган. Соянинг Тўмарис Ман -60 нави эрта (10.04) ва уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га бўлганида униб чиқиш-учталиқ барг ҳосил бўлиши даврида кунлик фотосинтез маҳсулдорлик 1,97 г/м², учталиқ барг ҳосил бўлишдан - шоналашда -2,33 г/м², шоналаш - гуллашда 4,18 ва гуллаш-дуккаклашда 3,67 г/м² тенг бўлган. Кунлик фотосинтез маҳсулдорлик шоналаш-гуллаш даврида уруғ экиш меъёри 333,0 минг туп/га тенг ва 20 апрелда экилган Тўмарис Ман-60 навида 5,67 г/м², Селекта-302 навида 5,55 г/м² тенг бўлган. Мазкур вариантда бошқа вариантларга нисбатан юқори кўрсаткич қайд этилган. Уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши кунлик фотосинтез маҳсулдорлиқнинг ортишига сабаб бўлди. Соянинг Тўмарис Ман-60 нави 20 апрелда уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га тенг бўлганида кунлик фотосинтез маҳсулдорлик 4,96 г/м² ни ташкил этган бўлса, 333,0 минг туп/га 5,67 г/м² ва 417,0 минг туп/га да 4,42 г/м² тенг бўлиб уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши кунлик фотосинтез маҳсулдорлиқни 0,74 г/м² ва 0,54 г/м² ошишига сабаб бўлган.



2-расм. Соя ҳосил элементлари миқдорига уруғ экиш меъёри ва муддатининг таъсири.

Изоҳ: биринчи устун 1000 та дон оғирлиги, 2-битта ўсимликдаги дуккаклар сони, 3- битта ўсимликда дон вазни уруғ экиш меъёрлари (278,0; 333,0 417,0 минг туп/га) мос равишда

Уруғ экиш муддатлари ва меъёрларининг соя ўсимлигининг маҳсулдорлигига таъсир этди (2-расм). Соянинг Тўмарис Ман-60 нави 10 апрелда уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда 1000 та дон оғирлиги 151,0 г тенг бўлган бўлса битта ўсимликдаги дуккаклар сони 40,7 донани ва ўсимликдаги дон вазни 12,9 г, 333,3 минг туп/га да тегишли равишда 149,0; 37,3 ва 11,7 г, 417,0 минг туп/га да 146,0; 32,4 ва 9,5 г тенг

бўлди. Уруғ экиш меъёрининг ортиб бориши ҳосил элементлар миқдорини камайишига таъсир этган. Битта туп ўсимликдаги дон вазни 3,4 г, 1000 та дон оғирлиги 5 г ва дуккалар сони 8,3 донага камайди. Айнан шундай натижа соя навлари 20 ва 30 апрелда экилганида ҳам қайд этилган.

Соя навлари дон ҳосилдорлиги уруғ экиш меъёри ва муддатига боғлиқ эканлиги аниқланган (1-жадвал). Уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га ўртача дон ҳосилдорлиги -26,9 ц/га тенг бўлган бўлса, 333,0 ва 417,0 минг туп/га бўлганида 29,2 ц/га ни ташкил этган. Ушбу маълумотларни сийрак экилган вариант (278,0 минг туп/га) билан таққослаганимизда фарқ 2,3 ц/га тенг эканлиги қайд этилган. Уруғ экиш меъёри 278,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда уруғ экиш меъёри 333,3 ва 417,0 минг туп/га нисбатан дон ҳосилдорлиги 2,3 ц/га камайган. Эрта муддатда (10.04) экилган соя навларидан уруғ экиш меъёрига мос равишда 25,5, 27,7 ва 28,1 ц/га ўртача 27,1 ц/га ҳосил олинган. Ўрта муддатда экилганида ушбу кўрсаткичлари 28,6, 31,0 30,9 ва ўртача 30,2 ц/га тенг бўлган. Соянинг Тўмарис Ман-60 нави 20 апрелда экилганида эрта муддатга нисбатан 3,1 ц/га кеч муддатга нисбатан 2,1 ц/га кўп дон олинганлиги кузатилган.

1-жадвал

Турли экиш муддатлари ва меъёрларининг дон ҳосилдорлигига таъсири(Тўмарис Ман -60 нави мисолида)

Уруғ экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёри, минг туп/га			
	278,0	333,0	417,0	Ўртача
10,04	25,5	27,7	28,1	27,1
20,04	28,6	31,0	30,9	30,2
30,04	26,7	28,9	28,7	28,1
Ўртача	26,9	29,2	29,2	28,5

Соянинг Селекта-302 нави эрта муддатда (10.04) уруғ экиш меъёри 278,0 минг, туп/га тенг бўлганида йиллар кесимида ўртача 24,5 ц/га, 333,0 -26,7 ц/га ва 417,0 минг туп/га да 27,2 ц/га ҳосил олинди. Ўрта муддатда (20.04) апрелда экилганида уруғ экиш меъёрига мос равишда 27,6; 30,0 ва 29,8 ц/га, 30 апрелда экилганида 25,6, 27,8 ва 27,7 ц/га дон ҳосили олинган. Соянинг Селекта-302 нави айнан Тўмарис Ман-60 навига ўхшаш 20 апрелда ва уруғ экиш меъёри 333,0 минг туп/га тенг бўлганида эрта муддатга нисбатан 3,3 ц/га кечки муддатга нисбатан 2,2 ц/га кўп дон ҳосили олинганлиги кузатилган.

Соянинг Тўмарис Ман-60 нави 20 апрелда экилганида мой миқдори уруғ экиш меъёрига мос равишда 23,1 фоиз; 22,1 фоиз ва 21,2 фоизга , оқсил -36,4 фоиз; 37,8 фоиз ва 38,7 фоизга тенг бўлганлиги қайд этилган. Уруғ экиш меъёри ортганида соя донидаги мой 0,7 % дан 1,3 % гача камайган оқсил миқдори эса 0,7 -1,4 фоизга ошганлиги аниқланган.

Юқорида, соя навларининг ўсиши ва ривожланиши ва маҳсулдорлигига уруғ экиш меъёрлари таъсир этганлиги қайд этган эдик. Бунда соя навлари кеч экилганда эрта муддатга нисбатан ёки қалин экилганда сийрак экилганга нисбатан белгилар миқдорий кўрсаткичларида ўзгаришлар содир бўлганлиги аниқланди. Соя 20 апрелда уруғ экиш меъёри гектарига 333,0 минг дона экиш энг макбул муддат ва меъёр эканлиги эътироф этилди. Бундай хулосага келишга мазкур муддатда ва

меъёрда соя навларидан юқори ҳосил олинганлиги асос бўлди. Албатта, соя навларини танлаш ҳамда етиштириш агротехнологиялари элементларини ишлаб чиқишда ҳосилдорлик муҳим критериялардан ҳисобланади. Ўсимликшуносликнинг фанининг асосий мақсади ўсимликларни ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитда яратиш билан ҳосилдорликни ошириш ва унинг сифатини яхлишдан иборат. Ўз навбатида, ҳосилдорлик ўта мураккаб ва кўп омилларга боғлиқ бўлган кўрсаткичлардан ҳисобланади. Уруғ экиш меъёрлари ва муддатлари ҳам айнан шундай омилларнинг бири бўлиб уларнинг ҳосилдорликка қай даражада таъсир даражаларини аниқлаш ўсимликшунослик фанида аҳамият касб этади. Бу ўринда рақамли технологиялардан, жумладан, факторли таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Факторли таҳлил замонавий статистик усуллардан бўлиб ўсимлик белгилари (*морфологик, биометрик, биокимёвий*) ва уларнинг миқдорий кўрсаткичларини тизимли таҳлил қилишга асосланган бўлиб, уларни ўзаро корреляцион боғланишлар даражаси бўйича гуруҳларга ажратишга асосланган. Чунки факторли таҳлининг негизини корреляцион боғланишлар даражаси ташкил этади. Факторли таҳлилга соя навларининг 14 белгилари жалб қилинган. Белгилар ўртасидаги ўзаро корреляцион боғланишлар даражаси бўйича улар қуйидаги факторларга ажратилди: бир туп ўсимликдаги дуккаклари сони, бир туп ўсимликдаги дон сони, бир туп ўсимликдаги дон вазни, 1000 та дон оғирлиги ва пишиш даврининг давомийлиги каби белгилар биринчи фактор негизини ташкил этди. Ушбу белгиларнинг хусусиятидан келиб чиқиб биринчи факторни *“битта ўсимлик маҳсулдорлиги”* деб ном берилди. Чунки юқорида номланган белгилар битта ўсимлик маҳсулдорлигига таъсир этди. Жумладан, ўсимликда дуккак сони ортса ундаги дон сони ҳам ортади ва бу ўз навбатида битта ўсимликда дон вазнининг ортишига олиб келади. Буни қуйидаги 3-расмдаги маълумотлардан ҳам аниқ кўриш мумкин. Расмда соя навлари эрта (10.04) ва уруғ экиш меъёри 278,0; 333,0 ва 417,0 минг туп/га тенг бўлган вариантда белгилар ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражаси тўғрисида маълумотлар келтирилган. (*Эслатиб ўтамиз рақамлар орасидаги масофа $d=1-r$ формула билан ҳисобланди. Бу ерда d – белгилар орасидаги масофа; r - улар ўртасидаги корреляция коэффиценти. Корреляция коэффиценти канча юқори бўлса белгилар ўзар шунча яқин жойлашади*). Биринчи факторнинг марказини битта ўсимликдаги дон вазни (6) ташкил этиб ушбу кўрсаткич ўсимликдаги дуккаклар сони (3), битта дуккакдаги дон сони (4), битта ўсимликдаги умумий донлар сони (5), 1000 та дон оғирлиги (7) битта ўсимликда шаклланган барглар сони (10) каби белгиларни бириктирди. Мазкур белгилар ўртасидаги корреляцион боғланишлар даражаси кучли ($r \geq 0.70$) бўлганлиги сабабли улар биринчи факторнинг асосини ташкил этди.

Иккинчи фактор амалдаги кўчат сони, ҳақий ҳосилдорлик ва асосий поянинг баландлиги ва куруқ масса миқдори каби белгиларни бириктиради. Ушбу факторга *“дон ҳосилдорлиги”* деб ном берилди. Чунки амалдаги кўчат сони, куруқ масса ва асосий поянинг баланд бўлиши ўз навбатида ҳосилдорликка таъсир этади. Буни 3 расмдаги маълумотлар ҳам кўриш мумкин. Дон ҳосилдорлиги(8), амалдаги кўчат сони(2), асосий поянинг баландлиги (9), жами сақланиб қолган ўсимликлар миқдори (1) ва куруқ массаси миқдори (14) каби белгилар ўртасида корреляцион боғланишлар даражаси 0,6 дан катта бўлди. Шу билан бирга амалдаги кўчат сони

(2) ва битта ўсимликдаги дон вазни (6) ҳамда дон маҳсулдорлиги (8) ўртасида кучли, манфий ($r=-0,90$) корреляцион боғланиш аниқланди. Бу кўчат сони ортганида битта ўсимликдаги дон вазни (*дуккаклар сони, дон сони, 1000 та дон оғирлиги каби белгиларда ҳам шундай натижа кайд этилди*) камайганлигини кўрсатди. Дон ҳосилдорлиги амалга кўчат сонига кучли боғлиқ эканлигини қайд этилди. Демак, соя қалин экилганида (417,0 минг туп/га) битта ўсимлик дон вазни ва у билан боғлиқ бўлган белгиларнинг кўрсаткичлари сийрак экилган (278,0 минг, туп/га) нисбатан камайган.

Дон таркибидаги мой миқдори (8) ва оксил миқдори ўртасида тескари корреляцион боғланиш борлиги қайд этилган. Иккинчи фактор билан асосий поянинг баландлиги (11) ни ҳам бириккан. Асосий поянинг баландлиги (11) амалдаги кўчат сони (2) ўртасида корреляция коэффиценти тўғри (0,668) битта ўсимликдаги дон вазни (6) ўртасида эса тескари (-0,70) бўлганлиги қайд этилган. Бу уруғ экиш меъёри ортган вариантларда асосий поя баланд бўлган, лекин уларда дон вазни камайган.

Учинчи фактор пишиш даврининг давомийлигини бириктирди. Шундан келиб чиқиб ушбу факторга *вегетация даври* деб ном берилди.

Фактор таҳлилнинг кейинги этапида юқорида қайд этилган факторлар бўйича тажриба вариантлари (*уруғ экиш меъёри ва муддатлари*) танланди (2-жадвал) Биринчи фактор (*битта ўсимлик маҳсулдорлиги*) бўйича соя навлари сийрак (278,0 минг/туп/га) ва 10-апрелда экилганида мазкур вариантнинг фактор юкламаси 1,041 тенг бўлган бўлса, 20 апрелда экилганда -1,396 ва 30-апрелда экилганида эса 1,287 тенг бўлди. Ушбу маълумотлардан, уруғ экиш меъёри сийрак бўлганида барча уруғ экиш муддатларида биринчи фактор юкламаси юқори бўлди. Бундай ҳолатнинг қайд этилиши мазкур вариантда бир туп ўсимликнинг сермахсул бўлганлиги билан боғлиқ бўлди (3-расм). Уруғ экиш меъёрларининг ортиб бориши айниқса 417,0 минг туп/га тенг бўлганида биринчи фактор бўйича фактор юкламаси манфий (-1,295; -1,22 ва -1,183) қийматга эга бўлиши қалин экилган вариантда ўсимлик маҳсулдорлигининг амайганлиги билан боғлиқ бўлди. Шу сабабдан фактор юкламаси манфий бўлди.

